

Дарс жараёнида диққатни ўстириш учун ўйинлар

**«Айтиб бер – мен унутамаман,
кўрсат – тушунамаман, бу
нарсани ўзим бажаришим
учун шароит ярат – ва
мен ўрганамаман»
Конфуций.**

Болалар ўйнашни ёқтиришади – бу аниқ. Дарсда ўйнаш – янада ёқимлироқ. Бу барча фанларда дарс ўтишнинг янги усулларида бири ҳисобланади. Дарс ўтишнинг эски усулларида маълумотлар фақат ўқитувчи томонидан берилар эди. Ҳозирги кунда турли хил китоблар, қўлланмалар ва интернетнинг мавжудлиги сабабли ўқитувчи дарс ўтишга бўлган ёндашувини ўзгартириши зарур.

Бунда биринчи навбатда ўқитувчининг роли ўзгариши лозим, у билим беришнинг «ягона манбаси»дан «йўллантитувчи ва ёрдамлашувчи»га ўтиши лозим, яъни материални англаш ва қайта ишлаш учун йўналтириши ва ёрдамлашиши лозим.

Бунда мотивация ҳам муҳимдир: ўқувчиларда ушбу фанни ўрганишга қизиқишни кўриш лозим. Агар дарс қизиқарли, долзарб ва мароқли мавзуларга асосланган бўлса ва дарс жараёнига турли хил мусобақалар, конкурслар, викториналар ва ўйинлар киритилса, ўқувчиларнинг дарсни ўзлаштиришга бўлган қизиқишлари ошади.

Биз ўйнаб туриб ҳаётини вазиятларни яратамиз. Ўйинлар биринчи навбатда руҳий енгиллаштишга олиб келади, чунки ўйин доимо хурсандчилик келтириб чиқаради. Иккинчидан, унда кулгили бўлиб қолиш ҳисси йўқ - чунки бу фақатгина ўйин. Ўқитувчи эса ушбу мавзунини ўтишда ўз мақсадига эришади.

Ўқувчи мактабда ўқитувчининг тушунтиришларига кулоқ солаётганда, мана шу эшитиш фаолиятининг онгли равишда танлаб олган, ўз диққатини этиштириш фаолиятига онгли равишда қаратган бўлади. Ўқувчининг бирор бошқа нарсага чалғимасдан, ўқув материалининг мазмунига зеҳн қўйиб ўтиришида унинг диққатини йўналиши ифодаланади.

Ўқитувчининг ўз ишида дуч келадиган биринчи қийинчиликлардан бири - бу болаларнинг диққатини бошқара олишдир. Бунинг учун аввал болаларни

диққатни тўплашга ўргатиб, сўнг улардан ўз фикрларини жамлашни талаб қилиш лозим. Ўйин диққатни тўплаш учун яхши имконият.

“Товушларни тингла” ўйини

Мақсад: Диққатни тез тўплашни ривожлантириш.

Ўқитувчи болаларга ўйин тартибини тушунтиради: “Агар мен бир марта қарсак чалсам, “мажнунтол” дарахтининг, агар икки марта қарсак чалсам, “чинор” дарахтининг қиёфасига кириб оласиз”.

Сўнг ўйин бошланади. Болалар доира бўйлаб юришади, ёки ўз парталарининг олдида туришади. Битта қарсак чалинади – болалар “мажнунтол” дарахтининг қиёфасига кириб оладилар (оёқлар елка кенглигида очик, қўллар тирсаккача бир оз очилган ва осилган ҳолатда, бош елкага энгашган). Икки марта қарсак чалинади – болалар “чинор” дарахтининг қиёфасига кириб оладилар (оёқлар текис, оёқ учи очик, товонлар жуфт, қўллар тепада, бошни бир оз орқага энгаштириб, қўл учларига қараш). Яхши бажарган болалар рағбатлантирилади.

Ўйин бир неча бор такрорланади.

Ихтиёрсиз диққат ҳам ўқув ишларида роль ўйнайди. Бироқ педагогик жараёни фақат мана шунга таяниб олиб бориш нотўғри. Бу борада машҳур рус педагоги К. Д. Ушинский шундай ёзган эди: «Дарсингизни қизиқарли қилиш билан ўқувчиларни зериктириб қўйишдан қўрқмаслигингиз мумкин, бироқ эсда тутингки, ўқишда ҳар бир нарсa ҳам қизиқарли бўлавермаслиги мумкин, шубҳасиз зерикарли нарсалар ҳам бўлади, бўлиши ҳам лозим. Болани фақат уни қизиқтирган нарсанигина эмас, балки қизиқтирмаган нарсани ҳам, ўз бурчини ҳам мамнуният билан бажаришга ўргатинг-да». Агар ихтиёрсиз диққатда иш бизни ўзига шунчаки жалб қилиб олса, ижтиёрий диққатда биз диққатимизни қаратиш учун ўз олдимизга онгли суратда мақсад қўямиз, қийинчиликларни енгиб, диққатни тўплаш учун курашиб ва ҳар қандай бошқа нарсаларга берилмаслик учун ирода кучини сарфлаб диққатимизни онгли равишда нарсага қаратамиз. Ихтиёрий диққатни ривожлантиришда ўйинлардан фойдаланиш яхши натижа беради.

“Ҳуштакни эшит” ўйини

Мақсад: Ихтиёрий диққатни ривожлантириш.

Ўқитувчи болаларга ўйин қоидаларини тушунтиради: “Сиз доира бўйлаб кетма-кетликда юрасиз. Мен ҳуштак чалишим билан сиз юришдан тўхтаб тўрт марта қарсак чаласиз, айланасиз ва йўналишингизни қарама-қарши томонга ўзгартириб, юришда давом этасиз. Вазифани бажаришда хатоликка йўл қўйган бола ўйиндан чиқиши керак”.

“Эшит ва бажар” ўйини

Мақсад: Эшитиш диққатини ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар парта ёнида ёки сафланиб турадилар. Бошловчи кўрсатмаган ҳолда 2-3 марта уч ёки тўрт ҳар хил машқларнинг бажарилишини эшиттириб айтади. Масалан: “Дастлабки ҳолат – туриш. 1 деганда қўллар белда, 2 деганда қўллар елкада, 3 деганда қўллар тепада, 4 деганда дастлабки ҳолатга қайтиш.

Машқларнинг болалар томонидан қайтарилишида қандай эшиттирилган бўлса, шундай бажарилиши керак. Эшитган ҳаракатларни тўғри ва аниқ бажара олган болаларнинг диққати ва ҳаракат қилиш қобилияти кучли бўлганлиги аниқланади ва ўйин якунида улар рағбатлантирилади.

“Ҳушёр бўл” ўйини

Мақсад: Ихтиёрий диққатни ривожлантириш.

Болалар доира ҳосил қилиб ўтиришади. Ўқитувчи болаларга ўйин тартибини тушунтиради: “Ҳар бир бола сонларни кетма-кетликда айтиб боради - 1,2,3,4,5.... Ҳар 3 сони бор сон келганда бола сонни айтмай, ўрнига бир марта қарсак чалади. Яъни 3, 13, 23, 33 ва ҳ.к. Агар у адашиб қарсак ўрнига сонни айтса, ўйиндан чиқади. Ўйинда адашмаган болалар ғолиб ҳисобланади”. Агар ўйинни болалар яхши ўзлаштирсалар, у бир оз мураккаблаштирилади. Ҳар бир 3га бўлинадиган сон келганда бола сонни айтиш ўрнига қарсак чалади ёки ўрnidан туради. Яъни 3, 6, 9, 12, 15, 18 ва ҳ.к. Яхши қатнашган болалар рағбатлантирилади.

Бошқа фаолиятлар каби ўқув фаолиятида муваффақият қозонишнинг зарур шarti ихтиёрий ва ихтиёрсиз диққатнинг ижобий томонларининг бирлиги ҳисобланади. Бундай бирлик сўнги ихтиёрий диққатда, яъни мувофиқлашган диққатда учрайди. Мувофиқлашган диққат ихтиёрий диққат каби мақсадга қаратилган бўлиб, лекин доимий иродавий зўр беришни талаб қилмайди. Мувофиқлашган диққатда қизиқишлар асосий ўринни эгаллайди. Яъни бу

инсоннинг бирон–бир янги буюм ёки фаолиятни ўрганишга бўлган муносабатига боғлиқ бўлади. Аввало иродовий диққатни талаб этадиган иш бирмунча ўзлаштирилгандан сўнг тобора қизиқарли бўла боради ва энди диққатни сақлаш учун алоҳида зўр беришни талаб қилмай қўяди. Ана шу пайтда ўқувчининг диққати ихтиёрий диққатдан мувофиқлашган диққатга айланади. Мувофиқлашган диққат организмда чарчаш ҳолати содир бўлгунча ишлаб туради. Масалан, ўқувчи ўз олдида ўқитувчи тушунтираётган мавзудаги қийин масалаларни диққат билан тушуниб олишни мақсад қилиб қўяди, бироқ яққол қизиқарли мазмун уни қизиқтириб юборади ва у мавзуга иродовий диққатга хос бўлган зўр бермасдан қулоқ солади. Ишга берилиб ўтирилса ўқув материални ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар осон бартараф бўлади. Иш жараёнида меҳнат қилишга нисбатан ирода ва эмоционал қизиқишнинг бундай бирлиги диққатни ривожлантиришнинг энг юксак босқичи ҳисобланади.

“Ман этилган машқ” ўйини

Мақсад: Диққатни бўлиниши ва кўчувчанлигини ривожлантиш.

Ўқитувчи вазифани тушунтиради: “Мен сизларга машқни бажариш ҳолатини кўрсатаман, яъни мен 1 – 2 ҳолатни айтаман, масалан, қўлларни олдинга чўзиб туриш ёки қўлларни бош орқасига қўйган ҳолат – шуларни бажариш мумкин эмас. Ёдингизда бўлсин, ушбу ман этилган машқлардан ташқари барча машқлар бажарилади, фақат ўша ман этилган машқ – ҳолат кўрсатилса, уни бажариш мумкин эмас. Кимдир адашиб кетса ёки ёдида олиб қолмаса, унда ўша ўқувчида диққат-эътибор етишмайди, деб ҳисобланади”.

Шу тарика ўйин 2-3 бор такрорланади, натижада ўқувчилар диққатли бўлишга, хато қилмасликка тиришадилар.

“Айтилганни бажар, кўрсатганни бажарма” (ёки “Домлани айтганини қил, қилганини қилма” (кулгу учун!))

Мақсад: Диққатни бўлиниши ва кўчувчанлигини ривожлантиш.

Бу машқ ҳам худди олдингисига ўхшайди, фақат ўқитувчи болаларга қараб: “Айтилган машқни бажаринглар, кўрсатганни бажарманглар”, дейди ва бир нечта машқларни бажаришга киришади. Агар болалар айтилганни бажармай, кўрсатган машқни бажарса, бу уларда диққатнинг пастлигини билдиради.

Сўнг ўқитувчи шу ўйиннинг ўзини тескари тарзда, яъни “кўрсатганни бажаринглар, айтганни бажарманг” тарзида ўтказди. Ўқувчилар фақат кўрсатилганни бажарадилар, айтилганни бажармайдилар. Бу билан ўқувчиларнинг диққатини бир нарсдан бошқасига тезликда ўзгартириш малакасини шакллантиришга кўмаклашилади.

Тақдим этилаётган ўйинлардан дарс давомида чарчокни ёзиш ва диққатни тўплаш учун фойдаланиш мумкин. Улар меҳнат ва дам олишни тўғри ташкил қилишга, дарсда ўқувчиларнинг ижобий ҳиссий тонусларини кўтаришга ёрдам бериши мумкин. Жамоа бўлиб ўйнаш болаларда чуқур ўзаро муносабат, ҳурмат, ишончнинг ривожланишига имкон беради.

Демак, кичик ёшдаги болалар билан кундалик ишлашда диққатнинг барча туридан фойдаланиш лозим. Албатта, янги дарсни ўзлаштиришда ихтиёрсиз диққатдан ёрқин, ўзгача қилиб мавзунини тушунтиришда фойдаланиш мумкин. Ихтиёрий диққатни болаларда узок ушлаб туришнинг иложи бўлмаганлиги сабабли, ундан кўп фойдаланишнинг имконияти йўқ. Ўқитувчининг ўз ишида диққатнинг мувофиқлашган туридан фойдаланиши яхши натижа беради. Чунки у боланинг қизиқишларига асосланади. Агар боланинг фаолияти қизиқ ва унумли бўлса, болалар диққатларини ҳеч қандай асабий зўриқишларсиз ушлаб тура оладилар. Чунки ўқув фаолиятидаги барча нарсаси бирдек қизиқарли бўлмагани сабабли, болаларда иродавий диққатни тўплашни аста-секинлик билан олиб бориш лозим.

**И.К. Расулова,
Т.С. Усмонходжаев.,
Республика Олимпия
захиралари коллежи.**